

**САНОТЬАТ КОРХОНАЛАРИ ИШЧИЛАРИГА ЎЗИГА ХОС
СТОМАТОЛОГИК ОРТОПЕДИК ЁРДАМ КЎРСАТИЛИШИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

C.A.Гаффоров, Д.Р.Мўминова,

*Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириши маркази,
Тошкент давлат стоматология институти.*

Тадқиқот мақсади: турли саноъат корхоналардаги ишчиларда тиш қатори нуқсонлари этиопатогенетик ва функционал-структур жароҳатларини бартараф этиш максадида рақамли технологиялар ёрдамида сунъий тиш протезлари хамда хом-ашёларни физик, кимёвий, биологик ва клиник хусусиятларини мукаммаллаштириш учун илмий тадқиқот услубиятини режалаштириш.

Республикамизда саноъат корхоналари ривожи охириги йилларда сезиларли ижобий узгаришларни бошидан кечирмоқда, масалан, биргина кимё саноатининг салоҳияти - 1997 йилда умумий маҳсулот 98,3% дан - 2007 йил 118,1% га, кимёвий синтетик тола ва ип саноати 1997 йилда 41,1% дан 2006 йилда 111% га ўсиши, кейинги 2020 йилларда келиб ялпи ички маҳсулотининг 50% ортиқ улушини ташкил этиш, айни соҳага банд ахоли сонинг хам 100 мингдан усишига олиб келди, ёки, нефть-газ ишлаб чиқариш корхоналари - “Ўзбекнефтгаз” ДЖКнинг қатор тармоқлари “Ўзнефтмаҳсулот”, “Ўзтрансгаз”, “Ўзнефтегазмат”, “Нефтгаз”, “Ўзгебурнефтегаз” ва бошқалар кейинги йилларда юқори суръатларда ривожланиб, республикамиз иқтисодиётида муҳим ўринларни эгаллаб бормоқда (УзСтатистика 2018 й).

Корхоналарда даволаш-профилактика ишлари сифатида [2, 3] профилактик чора-тадбирларга ўз вақтида саноат корхоналарида ишчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш, аниқланган касалликларни (касбий) диспансер рўйхатига тушириш ва назорат остига олиш; - саноат корхоналарида www.tadqiqotlar.uz

3-to'plam 1-son yanvar 2024

ишлийдиган ишчиларнинг меҳнат шароитини яхшилаш, иш жойлари ҳавосида эндоэкологик кимёвий, физикавий ва биологик омилларни имконият даражасида миқдорини РЭМ гача камайтириш, ишчиларни маҳсус шахсий кийим-кечак, ҳимоя кўзойнаги, чангли, заҳарли газлар аниқланиладиган иш жойларида маҳсус респираторлардан фойдаланишни таъминлаш; - ишчиларни рационал овқатлантириш, иложи борича етарли қувват берувчи овқатланишни ташкил қилиш, яъни витаминлар, микроэлементлар, оқсиллар, ёғлар ва корбонсувларга бой овқаланишни таъминлаш; - оғиз бўшлиғи гигиенаси қоидаларини бажаришни ишчилардан талаб қилиш, белгиланган маҳсус пасталардан фойдаланиш, милкларни уқалаш, тиш тошларни ўз вақтида олиш, фтор ушловчи воситалардан фойдаланиш, глюканат калций, кальцийли, фосфорли ва бошқа микро элементлар билан бойитилган таблеткалардан фойдаланиш катта аҳамият касб этади; - тиш қаторларидағи нуқсонларни сунъий тиш протезлари билан тўлдириш ва бошқа профилактик тадбирлар ҳам аҳамиятлидир деб такидлашган [2, 3].

Хуноса. Корхоналарда ишилаётган врач-стоматологлар асосий эътиборларини профилактик чора-тадбирларни бажаришга қаратишиди. Корхона раҳбариятига оғзидаги сўлак таркибини кислотали, ишқорли мутаносиблигини сақлаш учун оғиз бўшлиғини минерал сувлар билан доимо чайқаб турилишини таъминлаш зарурлиги тушунтирилди.

Энг кераклиги - ишчиларни ўз вақтида тиббий кўрикдан ўтказиб, вақтида оғиз бўшлиғи касалликларини аниқлаш ва рўйхатга олиб тезроқ даволаш масаласига эътибор бериш вазифаси стоматологлар ва корхона бошлиқларини зиммасида эканлиги тушунтирилди.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Абдазимов А.Д. “Профилактика и лечение стоматологических заболеваний рабочих подвергающих и комбинированному воздействию полиметалической пыли и токсических веществ”. Автореф. Доктор. Диссертации. Л. 1998 год.

2. Гаффоров С.А., Рузуддинов Н.С.¹, Рузуддинов С.³, Шаяхметова М.К.⁴, Рузденова А.С.. Усовершенствованная методика коррекции десневого края базиса съемных протезов при частичном отсутствии зубов. IDMFS “Integrative dentistry and maxillofacial surgery», «Интегративная стоматология и челюстно-лицевая хирургия». 5-10 стр. ТОМ 1 • ВЫПУСК 1 • 2022. ISSN 2181-3574
<https://idmfs.scinnovations.uz>

3. Гаффоров С.А. “Профилактика стоматологических, заболеваний у работников текстильного производства”. Автореферат канд. диссерт. Т.1999 год.